



КОММУНИСТИК РАЙОН
АНГИЛИКЛАРИ

КООПЕРАТИВ
УЙЛАР

Коммунистик район колхозларига қурилиш бошқармаси бўлиб қурилиш ишларини жадал суръатлар билан олиб бормоқда. Яқинда Коммуна масъули олтита кооператив уйи фойдаланишга топширилди. Яна 18 та янги турар-жой биноси ҳам қуриб ботиқаниди. Коммуна масъулида йил охиригача яна 15 та кооператив уй тикланади.

ЧОРВА КОМПЛЕКСЛАРИ

Яқинда райондаги «Эбенистон» колхозда 600 қорамолга мўлжалланган чорва комплекси фойдаланишга топширилган эди. Бу комплекс район колхозларига қурилиш бошқармаси қурувчилари тиклади.


Районнинг «Ленинский путь» колхозда 800 қорамолга мўлжалланган чорва комплекси ҳам ишга тушди. Тўрт секциядан иборат бу чорва комплексида 600 буюқ бўдоққа боқилайди. Комплексини қўшни Урта Чирчиқ район кўча колонна қурувчилари бўлиб эшитди.

«ПОЛИТОТДЕЛ»
ТЕПЛИЦАСИ

Колхоз марказидан учта йирик бўлмаган сайхон жойда «Политотдел» теплицаси қад кўтарди. Беш гектар майдонга эга бўлган теплицада ҳозир помидор, бодрий еттиштирилмоқда. Бу ерда яна бошқа турли хил сабзавот экинлари қўйилган еттиштирилмоқда, қўнғалар ўстирилади.

Бу теплица колхозчилар кини мавсумида ишлайдиган иккинчи қорхона бўлиб қолади.

Р. ИСХОҚОВ.



ТЕКНХУР, ИЧКИЛИКБОЗ, БЕЗОРИЛАРГА ШАФҚАТ ЙУҚ

«МЕНИНГ НАФСИМ
БАЛОДИР...»

«Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солодир» деган нақл ўзгалар ҳақида хабар қилган, виждонни жиялдонга алмаштирган текинтомоқ ишчиларга нисбатан айтилганнинг ҳамма билди. Ҳа нафс балосига мушало бўлганлар қилмиши учун янаво берди.

Абдуғаппор Расулов ҳам нафсига қўлоқ солмаганда бугун қилмишидан пушаймон бўлмади. Тўғри уни йўлдан адаштирганлар ҳам бор, лекин кап-катта одам қаламини йеңиқа қараб босаётганини билдириш, ўзининг ақли қарарда эди! Эҳ атанг... Абдуғаппор ҳозирда бу сўзларни қайта-қайта тақдирлади. Лекин «кейинги пушаймон ўзингга душман» деган дово халқимиз.

«Ташпромторгга» қарашли 115 мағзининг бириччи филиалида ҳам муҳир, ҳам сотувчи бўлиб ишлаб юрган А. Расуловнинг нафси халқалар қолди.

— Ҳамид ака биз ҳам жуғали товуқмиз,— ўзингиздан ўтар гап йўқ. Бизга ҳам қанча махсусотлардан

бериб турсангиз,— илтимос. Мағзин секция бошлиғи аввалга «бу иш менинг қўлимда эмас, директордан сура, у киши рухсат берсан беравераман».— деди, лекин қаршида мулозим, гапга қўнадиган йигитни кўриб юрагига қўл солиб кўрди.

— Чикими борда уна.

— Бақондиди.

Секция бошлиғи Х. Набиев Абдуғаппорни ичқари бошлади. Ян-ян ёниб турган духоба пардаларни кўрсатар экан, ҳар бирига устама 5 сўмдан беришини айтди. Филиал мудирини рози бўлди.

26 донда духоба пардаларни наряд бўйича ёздириб олган А. Расулов уни пуллаш реккасини тузабошлади.

— Э шунга ҳам бош қотириб ўтирипсанми,— деди у ўнганга ўзи. Таниш-билишлар, қўни-қўшиларни ҳоқатини чиқарамизда. Йўқ, улардан «шапка»сини олиб қилиш қандай бўларкин? Бегона ахширимкан? Йўқ. Ҳарна бўлса ҳам қўз-қўғога тушадиганга берган яхши, бир-икки сўм чиқими бор дей-

мизда ўн сўлқовидан уриб қоламиз. Ичкимағина филиал унчалик кўзга ташланмайдик. Одамлар унчалик гавжум ҳам эмас. Аёл ва бир йигит мағзинга кириб келишди. Аёл пештахтага молларга кўз-югуртирғач, сотувчига илтико қилди.

— Экин парда жуда зарур эди, мабодо топилайдими.

— Унақа қанча нарзалар келса очерд бўлиб кетадик. Биламан очерд бўлиш пўл бўлсин, шунинг учун ҳам эндан илтико қилаётганим,— яна ялинган бўлиб сўзлади аёл.

А. Расулов харидорни қўлдан чиқаргани келмади. Орқа эшикдан келишни ишора билан тушунтирди. Гулчехра Мусахўжаева Абдуғаппор Абдуғаппоров билан ахшига пардани қўтиқлаб чиқиб кетишганди. Оқ-тўғри район ОВХСС ходимлари улар йўлига пешвоз чиқди.

Абдуғаппор Мусахўжаева берган ўн сўмлик пулларни

номерлари ёзилган бўлса керак деб гумон қилди-да ақил-тақил уларни ишқиди. Ревизия қилинганда эса 105 сўм қамомат чиқди. Қайта текширилганда харидор Г. Мусахўжаева берган 100 сўм ва яна алақандий паспорт билан ичидан 50 сўм ҳам чиқди. Нафс билансан жиноят устида қўлга тушди. А. Расулов милиция ходимларига қилган жиноятни қозондан ёниб босган тушунтириш хатида маъна шундай таъриш берди: «Пардани баҳон 40 сўм, мен янгилиш 50 сўмдан олиб қўйдим».

Нафсига банди бўлган эри қўла А. Расулов икки йил озолиддан маҳрум этилди, уч йил савдода ишлашдан четлатилди. Филиал мудирини А. Расуловку қилмишига яраша жаозасини олди, унинг деб ишга шерик бўлган 115-мағзин секция бошлиғи Х. Набиев судан қўриқ чиқди, масаланинг ана шу томони кишини ажаблантирди.

Ш. АКБАРОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; Массула секретари — 334808, 325353; секретариат — 325750, 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; турмуш — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал — 325733; расм — 325645; фотохудожир — 325894